

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭШМУРЗАЕВА АИДА АБДИГАНИЕВНА

**РЕВМАТОИД АРТРИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ИММУНОГЕНЕТИК МАРКЕРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Эшмурзаева Аида Абдиганиевна

Ревматоид артрит билан касалланган беморларда
иммуногенетик маркерларни ҳисобга олган ҳолда
ташҳислаш ва даволашни муқобиллаштириш..... 3

Эшмурзаева Аида Абдиганиевна

Оптимизация диагностики и лечения больных
ревматоидным артритом с учётом
иммуногенетических маркеров..... 31

Eshmurzaeva Aida Abdiganievna

Optimization of diagnosis and treatment of
patients with rheumatoid arthritis, taking into
account immunogenetic markers..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 63

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЭШМУРЗАЕВА АИДА АБДИГАНИЕВНА

**РЕВМАТОИД АРТРИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА
ИММУНОГЕНЕТИК МАРКЕРЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА
ТАШҲИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИ МУҚОБИЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.3.DSc/Tib460 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Каримов Маъриф Шакирович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедов Халмурод Саъдуллаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Собиров Мақсуд Атабаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиахунова Мавжуда Юсуповна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «25» февралдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+998 71) 1507825, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 829 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2022 йил «12» февралда тарқатилди.
(2022 йил «12» февралдаги 10 рақамли реестр баённомаси).



А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д. А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Инсонларда кенг тарқалганлиги ва фенотипик кўринишларининг хилма-хиллиги билан ажралиб турадиган тизимли аутоиммун касалликлар орасида замонавий тадқиқотчиларнинг эътибори ревматоид артрит (РА) муаммосига қаратилган. Ташқи ва ички муҳит омилларининг ўзаро таъсири, генетик жиҳатдан аниқланган ва иммунитетни тартибга солишнинг орттирилган нуқсонлари ревматоид артрит ривожланиш механизмларининг мураккаблигини, шунингдек, унинг аниқ клиник полиморфизмини белгилайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...ревматоид артрит катта ёшдаги аҳоли ўртасида 0,8-2% вазиятларда (аёллар орасида 5% гача), бўғим касалликлари кесимида 10% гача учраб, касалланишнинг янги ҳолатларини йиллик миқдори 0,02% ни ташкил қилади...»¹. Шу сабабли, касалликнинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти нафақат кенг тарқалганлиги, балки касалликнинг тез ногиронликка олиб келиши ҳавфи юқорилиги туфайли иқтисодий зарар билан белгиланадиган тиббиётдаги ечими топилиши зарур бўлган жиддий муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда ревматоид артрит ривожланишининг иммуногенетик белгиларининг патогенетик аҳамиятини ўрганишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, РА билан касалланган беморларда IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026), MTR (rs1805087), MTRR (rs1801394), MTHFR (rs1801131) ва MTHFR (rs1801133) генларининг аллел ва генотипик шакллари тақсимланиш таҳлили унинг кечишини оғирлигини шакллантиришда иммуногенетик омилларнинг аҳамиятини баҳолаш, уларнинг ушбу касалликларнинг клиник ва биокимёвий кўринишларининг оғирлиги билан боғлиқлиги, генларининг фаоллигига қараб даволаш самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, РАнинг клиник, биокимёвий ва иммуногенетик кўринишлари ўртасида муҳим боғланишлар мавжудлигини аниқлаш, шунингдек, касалликнинг иммуногенетик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали даволаш усулларини таҳлил қилиш ва баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида ревматологик касалликларнинг тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташҳис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш

¹ Mikhaylenko, Dmitry S.; Nemtsova, Marina V.; Bure, Irina V.; Kuznetsova, Ekaterina B.; Alekseeva, Ekaterina A.; Tarasov, Vadim V.; Lukashev, Alexander N.; Beloukhova, Marina I.; Deviatkin, Andrei A.; Zamyatnin, Andrey A. (2020). Genetic Polymorphisms Associated with Rheumatoid Arthritis Development and Antirheumatic Therapy Response. *International Journal of Molecular Sciences*, 21(14), 4911–. doi:10.3390/ijms21144911.

орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли даражадаги ревматологик касалликларни тарқалиши, ташҳислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатишни замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалликлар асоратлари натижасидаги юзага келадиган ўлим кўрсаткичларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 сентябр ПҚ-5124 – сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3071-сон қарорида касалликларнинг ва кўпчилик ҳолларда бевақт ўлим ва ногиронликка олиб келадиган ҳолатларнинг олдини олиш ва уларни даволаш натижаларини яхшилаш орқали кутилаётган умр кўриш даврини ошириш ва қайд этилган йўналишдаги фаолиятга тааллуқли республиканинг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар таҳлили³.

РАНинг клиник, биокимёвий ва иммуногенетик хусусиятларини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи тадқиқот марказлари ва университетларида, жумладан, Virginia University of Pittsburgh (АҚШ), Goethe-University (Германия), University of California, University of Texas, University of British Columbia (Канада), University of Arkansas, Newcastle University (Великобритания), University of São Paulo (Бразилия), University of Oslo (Норвегия), Guangzhou Hoffmann Institute of Immunology, Peking University (Китай), Seoul National University (Корея), Тошкент тиббиёт академиясида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

³ Диссертация мавзуси хорижий илмий тадқиқотлар адабиётлар шарҳлари қуйидаги сайтлар асосида кўриб чиқилди: www.goethe-university-frankfurt.de, www.utexas.edu, ubc.ca, www.berkeley.edu, www.uark.edu, www.virginia.edu, www.pitt.edu, www.ncl.ac.uk, www.uio.no/english, www.useoul.edu, www.pkuf.org, www.gematologiya.uz

Юқоридагилар билан бир қаторда РА ташҳисининг юқори самарали ва эрта клиник, лаборатория ҳамда иммуногенетик мезонларини, шу жумладан, ревматологик касалликлар билан оғриган беморларда цитруляцияланган пептидларга қарши антитаналар (ЦПҚА) ва полиморф цитокин генлари каби муҳим кўрсаткичларни топиш муаммолари бўйича (University of Texas, США) илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда; касалликнинг умум қабул қилинган диагностика усуллари билан биргаликда иммуногенетик тадқиқотларни қўллаш зарурати, (Goethe-University, Германия), хусусан, ревматоид артритни эрта аниқлаш ва башорат қилишда цитокинларнинг аҳамияти исботланган (Newcastle University, Великобритания); фолат цикли полиморф генларининг касаллик ривожланишида ҳиссаси асослаб берилган (Peking University, Китай; University of Virginia University of Pittsburgh, АҚШ); РАнинг иммун-генетик хусусиятларига қараб метотрексат билан даволаш самарадорлиги исботланган (Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон).

Шу муносабат билан бутун дунёда касалликни даволашда мутахассислар нисбатан арзонлиги, хавфсизлиги ва самарадорлиги туфайли метотрексатдан фойдаланишни афзал кўришади (University of Virginia University of Pittsburgh, США; University of Oslo, Норвегия). Бироқ, йирик тадқиқотларга кўра, РАни метотрексат билан даволанганда ремиссия фақат 60-70% беморларда кузатилади. Бир қатор бошқа тадқиқотларда метотрексат қўлланганда 30-40% ҳолларда унга чидамлилиқ ривожланиш (Newcastle University, Великобритания; University of São Paulo, Бразилия). Шу билан бирга, беморларнинг 1/3 қисмида касаллик фаоллигини сақланиши қайд этилган, тадқиқотчилар томонидан метотрексатга нисбатан паст сезувчанлик билан боғлиқ бўлиб, бу генетик омиллар (фармакогенетик маркерлар) таъсирига асосланган беморнинг индивидуаллиги билан белгиланади (Peking University, Китай, Seoul National University, Корея), дейилади.

Жаҳонда олиб борилаётган бошқа тадқиқотларда РАнинг оғир клиник кечишини ривожланиши учун прогностик белгиларни асослаш; уларда IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026), MTR (rs1805087), MTRR (rs1801394), MTHFR (rs1801131) ва MTHFR (rs1801133) генлари шакллариининг тарқалиш хусусиятларини асослаш; РАли беморларда клиник ва лаборатор, генотипик кўринишлар ва даволаш самарадорлиги ўртасидаги мумкин бўлган боғлиқликни ўрганиш каби устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. РАнинг шаклланиши ва ривожланишининг патогенетик механизмларини аниқлаш дунёнинг бир қатор йирик тадқиқот марказларида устувор йўналишларидан биридир (Малышева И.Е., Топчиева Л.В., Балан О.В., Марусенко И.М., Барышева О.Ю., Курбатова И.В.). Карелия Республикасининг рус аҳолисида TNF генининг -238g>a полиморфизмининг РА хавфи билан боғланишини таҳлил қилиш, 2018; Das S, Baruah C, Saikia AK, Bose S. Associative role of HLA-DRB1 SNP genotypes as risk factors for susceptibility and severity of rheumatoid arthritis: A North-east Indian population-based study, 2018; Ding J., Orozco G.

Identification of rheumatoid arthritis causal genes using functional genomics, 2019). Маълумки, ревматоид артрит ривожланишида, биринчи навбатда, индивидуал хусусиятлар ва организмнинг мойиллиги, иккинчидан, иммунологик (ЦПКА), ревматоид омил (РО) ва генетик омиллар, фаолияти етакчи бўлин бўлган (Jahid M, Rehan-Ul-Haq, Avasthi R, Ahmed RS. Interleukin10-1082 A/G polymorphism: Allele frequency, correlation with disease markers, messenger RNA and serum levels in North Indian rheumatoid arthritis patients, 2018). Бундан ташқари, сўнгги йиллардаги йирик тадқиқот РАнинг юзага келиши механизмларида иммун-генетик омилларнинг ҳиссаси салмоқли эканлигини кўрсатди (Lewis MJ, Barnes MR, Blighe K. et al. Molecular Portraits of Early Rheumatoid Arthritis Identify Clinical and Treatment Response Phenotypes, 2019).

Шу сабабли РА ривожланишининг генезида иммуногенетик омилларнинг ролини баҳолаш замонавий ревматологиянинг энг истиқболли йўналишларидан бири ҳисобланади. Кўп омилли касаллик сифатида РА патогенезида атроф-муҳит таъсирлари ва уларга иммун жавоб ҳамда фолат циклини тартибга солувчи генларнинг турли модификацияларининг ҳиссаси исботланган. Шу муносабат билан, бугунги кунда ревматоид артритда иммунитет реакциясини тартибга солишда иштирок этувчи цитокин генларининг ўзаро таъсирини тасдиқловчи ишончли тадқиқот натижалари мавжуд⁴. Кузатувда тасдиқланишича, РА бошланишининг иммун-генетик механизмларини ўрганиш, ушбу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда даволаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш бўйича тадқиқот натижалари аниқ хулосаларга эга эмас. Шу сабабли ушбу йўналишда кўшимча тадқиқотлар олиб борилиши зарур ва долзарбдир.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда нашр этилган адабиётларда РА га бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар ҳақида маълумотлар берилган. Улар асосан, касалликнинг айрим жиҳатларини кўрсатади. Буларга қуйидагилар киради: РА кечишида гаптоглобиннинг генетик фенотипларининг роли ва даволаш самарадорлиги (Шодиқулова Г.З., 2010); ташқи иқлим ва экологик омиллар таъсирида РАнинг ўзига хос кечиши (Ахмедов Х.С., 2017); РАни даволашда гастро-нефропатия ривожланишининг патогенетик муаммолари (Усманова Ш.Э., 2018); MDR1 ген полиморфизмининг ўзига хос клиник роли ва касалликни даволаш самарадорлиги (Абдурахманова Н.М., 2019) шулар жумласидан. Бироқ, юқоридаги адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026) ва (MTR (rs1805087) фолат цикли, MTRR (rs1801394), MTHFR (rs1801131) ҳамда MTHFR (rs1801133) цитокинларининг полиморф генларининг роли РА нинг клиник кечиши ва прогнози оғирлигини инобатга олган ҳолда ҳамда IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026)), (MTR (rs1805087) фолат цикли, MTRR

⁴ Agonia, I., Couras, J., Cunha, A., Andrade, A. J., Macedo, J., & Sou-sa-Pinto, B. (2020). IL-17, IL-21 and IL-22 polymorphisms in rheumatoid arthritis: A systematic review and meta-analysis. *Cytokine*, 125, 154813. doi:10.1016/j.cyto.2019.154813.

(rs1801394), MTHFR (rs1801131), MTHFR (rs1801133) цитокинларининг полиморф генларининг рентген босқич билан корреляцияси ўрганилмаган, DAS28 фаоллиги даражаси ва уларнинг прогностик аҳамияти аниқланмаган; метотрексат терапиясининг самарадорлиги IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026)), (MTR (rs1805087) фолат цикли, MTRR (rs1801394), MTHFR (rs1801131) ва MTHFR (rs1801133) цитокинларининг полиморф генларининг аллел ҳамда генотипик шакллари ташишга қараб ўрганилмаган.

Республикамызда юқори инновацион технологиялар имкониятларини ва уларни амалиётга жорий этилиши шаклланиш механизмлари, самарали ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш каби муҳим жиҳатларни ўз ичига олган далилларга асосланган тиббиёт асосларини ривожлантиришга мақсадли ёндашиш, РА кечиш оғирлиги ва асоратлари ривожланиш хавфини башорат қилиш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 011800229 “Ички касалликларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишнинг янги йўллари кидириш. Профилактиканинг рационал йўллари” мавзуси доирасида бажарилган (2019-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади клиник ва асбобий, иммуногенетик тадқиқотлар асосида ревматоид артритни клиник кечишининг оғирлигини баҳолаш, уни ташхислаш, ривожланиш прогнози ҳамда даволашда услубий ёндашувларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ревматоид артрит билан касалланган беморларда клиник, инструментал ва лаборатор маълумотларни комплекс ҳар томонлама таҳлил қилиш;

яллиғланиш чақирувчи цитокинлар IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026)) ва фолат цикли (MTR (rs1805087), MTRR (rs1801394), MTHFR (rs1801131), MTHFR (rs1801133) генларининг полиморф вариантларини молекуляр -генетик таҳлилининг ўтказиш ҳамда РАда уларнинг аллел ва генотипик вариантларининг учраш частотасини баҳолаш;

мазкур генетик маркерларнинг РА ривожланиш хавфи ва шаклланиш механизмларига қўшган ҳиссасини аниқлаш;

ўрганилаётган генларнинг аллел ва генотипик вариантлари хусусиятларининг мавжудлигини аниқлаш ва касалликнинг шаклига қараб РА билан беморларнинг клиник кечишидаги аҳамиятини баҳолаш;

ревматоид артрит билан касалланган беморларда IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026)) яллиғланиш чақирувчи цитокин ва (MTR (rs1805087), MTRR (rs1801394), MTHFR (rs1801131) ва MTHFR (rs1801133) фолат цикли генларининг аллел ҳамда генотипик вариантлари метотрексат билан даволаш самарадорлигига боғлиқ ҳолда учраш даражаларини таҳлил қилиш;

ревматоид артрит билан касалланган беморларда касаллик ривожланиш хавфини эрта ташхислаш ҳамда прогноз қилиш мезонларини такомиллаштириш ва генетик маркерларни ҳисобга олган ҳолда даволаш ва профилактика чора тадбирларни муқобиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2020 йилларда Тошкент тиббиёт академиясининг 3 - клиникасида стационар даволанишда ва кузатувда бўлган РА билан оғриган 200 нафар қариндошлиги бўлмаган беморлар, улардан 147 нафари бўғим, 53 нафари эса бўғим-висцерал шаклда беморлар, назорат гуруҳини шартли соғлом қариндошлиги бўлмаган шахслар (n = 109) танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор ва шартли соғлом одамларни ўрганиш материалларидан фойдаланилди: қон ҳужайралари сонини ҳисоблаш учун периферик қон, биокимёвий синама кўрсаткичларини аниқлаш учун веноз қон: умумий протеин, жигар ферментлари, азот алмашинуви кўрсаткичлари, С - реактив оксил, ревматоид омил (РО); ЦПҚА нинг иммунологик кўрсаткичи; IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026), MTR (rs1805087) фолат цикли, MTRR (rs1801394), MTHFR (rs1801131) ва MTHFR (rs1801133) генларининг полиморф вариантларининг тарқалиш хусусиятларини полимер занжир реакцияси стандарт усули ёрдамида аниқланган натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотни бажариш давомида клиник, биокимёвий, иммунологик, радиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ревматоид артрит касаллиги клиник, лаборатор ва асбобий текшириш кўрсаткичларининг ИЛ17А (rs2275913), ИЛ-17F (rs763780), ИЛ23R (11209026), MTR (rs1805087) фолат цикли, MTRR (rs1801394), MTHFR (rs1801131) ва MTHFR (rs1801133) генлари полиморфизми билан узвий боғлиқлиги исботланган;

илк марта ўрганилган генларининг аллел ҳамда генотипик вариантларининг тарқалиш кўрсаткичлари ревматоид артрит клиник кечиши ва ривожланишининг прогностик мезонлари сифатида диагностик аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

ИЛ17А (rs2275913), ИЛ-17F (rs763780), ИЛ23R (11209026)) генларининг полиморф вариантларининг ревматоид артритнинг бўғим шаклини ривожланишдаги урни асосланган;

ИЛ-17F (rs763780), MTR (rs1805087), MTRR (rs1801394) генлари полиморф вариантларининг РАнинг бўғим-висцерал шаклини ривожланиш хавфини ошириш эҳтимолиги аниқланган;

биринчи марта ревматоид артрит билан оғриган беморларда метотрексат терапиясига торпидлик ривожланиши ИЛ17А (rs2275913) гени А аллел ва G/A генотипи, ИЛ23R (11209026) гени G/A генотипини ташувчилик сонининг пасайиши ва аксинча, мутант MTR (rs 1805087) гени G/G генотип, MTRR (rs 1801394) генининг A/Г генотипи, MTHFR (rs1801131) гени A/C генотипи сонининг ошиши билан боғлиқлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

клиник тадқиқотлар бўғимларда патологик ўзгаришлар ҳосил бўлишининг молекуляр механизмини аниқлаш эрта ташҳис қўйишга ва даволашга турлича ёндашиш имкони яратилган;

IL17A (rs2275913), IL17F (rs763780), IL23R (11209026), MTR (rs1805087) ва MTRR (rs1801394) генларининг полиморфизмини ўрганиш, уларнинг асосий рентгенологик босқичлари билан, DAS 28 фаоллик даражаси ва клиник шакллари билан боғлиқлиги бўғимларда патологик ўзгаришлар ва тизимли бузилишларнинг ривожланиши учун прогностик мезонлар ишлаб чиқилган;

яллиғланишга қарши цитокинлар генлари (IL17A (rs2275913), IL23R (11209026)), (MTR (rs1805087), MTRR (rs1801394) ва MTHFR (rs1801131)) фолат цикли генлар полиморфизмини ўрганиш ревматоид артрит билан оғриган беморларда метотрексат билан олиб бориладиган даволашга торпидликни прогноз қилишнинг муҳим генетик маркери бўлиб хизмат қилишига имкон яратилган;

ўтказилган клиник тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган ревматоид артритни индивидуал даволаш алгоритми касаллик ривожланишини сезиларли даражада камайтиришга, даволаш натижаларини яхшилашга ва беморларнинг ҳаёт сифати ва фармако-иқтисодий самарадорлигини оширишга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, ревматоид артритни ўрганиш учун монанд ва юқори ўзига хос замонавий қўшимча клиник, лаборатор, иммуногенетик усуллардан фойдаланиш, беморларнинг етарлича сони ва аниқлиги, ўтказилган таҳлиллар натижаларини статистик қайта ишлаш, оқилона баҳолаш ҳамда натижаларни халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, ваколатли тузилмалар томонидан олинган натижалар бўйича хулосаларни тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти РА билан оғриган беморларда клиник, асбобий ва лаборатория ўзгаришларининг хусусиятлари аниқланганлиги, РА эрта ташҳислаш ва оғир кечишини прогнозлаш учун ирсий мойилликнинг аҳамияти, чекиш, яллиғланиш ўчоқларининг мавжудлиги, анемия, РО ва ЦПҚАни мусбат бўлиши башорат қилувчи омил эканлиги, ревматоид артритнинг ривожланиши ва кечишида иммуногенетик омилларнинг роли ўрганилган ва баҳоланганлиги, Ўзбекистонда биринчи марта РА беморларда IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026), MTR (rs1805087), MTRR (rs1801394), MTHFR (rs1801131) ва MTHFR (rs1801133)нинг полиморф вариантлари аллеллари ва полиморф локусларнинг генотиплари учраш частотаси аниқланганлиги, касалликнинг ривожланиш хавфини оширадиган генетик белгилар баҳоланганлиги. ревматоид артритнинг ривожланиш хавфини ва метотрексат билан даволашнинг самарадорлигини башорат қилишда генетик омилнинг роли кўрсатилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти РА билан касалланган беморларда IL17A (rs2275913), IL17F (rs763780), IL23R (11209026) ва MTR (rs1805087) генларини касаллик генезида иштирок этиши сабабли уларни ўрганиш зарурияти исботланганлиги, ривожланиш хавфини аниқлашда тахассисот ва прогностик ёндашувлар, шунингдек, иммуногенетик белгиларни ҳисобга олган ҳолда РА билан касалланган беморларни эрта ногиронликни олдини олишга ва ҳаёт сифатини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ревматоид артритнинг клиник, биокимёвий ва иммунгенетик хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ревматоид артритда фолат метаболизмининг генетик белгиларининг диагностик аҳамияти бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ревматоид артритда фолат метаболизмининг генетик белгиларининг (MTHFR (rs 1801131) ва MTHFR (rs1801133)) диагностик аҳамияти» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-р/883-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома касалликнинг иммун-генетик хусусиятларига асосланган ревматоид артритни даволаш самарадорлигини асослаш имконини берган;

ревматоид артрит клиник кечишининг шаклланиш хавфи ва оғирлигини молекуляр генетик баҳолаш усули бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Ревматоид артрит клиник кечишининг шаклланиш хавфи ва оғирлигини молекуляр генетик баҳолаш усули» номли услубий тавсиянома тасдиқланган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-р/884 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома Мазкур услубий тавсиянома ревматоид артрит кечиши ва оғирлигини молекуляр генетик баҳолашни такомиллаштириш имконини яратган;

IL17A (rs2275913) И IL-17F (rs763780) яллиғланишга қарши ситокин генларининг полиморфик вариантларини ўрганишга асосланган ревматоид артрит ривожланишини эрта прогноз қилиш усули бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган “IL17A (rs2275913) ва IL-17F (rs763780) яллиғланишга қарши цитокин генларининг полиморфик вариантларини ўрганишга асосланган ревматоид артрит ривожланишини эрта прогноз қилиш усули” (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-р/885-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома иммуногенетик усулларга асосланган бўлиб, оғир ревматоид артритнинг профилактикаси усулларини аниқлаш имконини берган;

ревматоид артритнинг клиник, биокимёвий ва иммуногенетик хусусиятларига оид илмий натижалар тиббиёт амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитасия илмий-амалий тиббиёт маркази, Тошкент вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ва 3-сон шаҳар клиник шифохонаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 ноябрдаги 8 н-з/428-сон маълумотномаси). Олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш прогнозли диагностика

сифатини яхшилаш, ревматоид артрит ривожланиш хавфини, кечишининг оғирлигини башорат қилиш, шу билан даволаш самарадорлигини ошириш ва касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 5 таси ҳорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида тадқиқот иши долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг **«Ревматоид артрит тарқалишининг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш омиллари, патогенези, диагностика ва даволаш самарадорлигида ирсий омилларнинг ўрни»** деб номланган биринчи бобида РА нинг тарқалиши, ривожланишидаги этиологик омиллар, патогенетик механизмлар ҳақида замонавий ғоялар берилган. Бундан ташқари, цитокин ва фолат цикли генларининг РА бошланиши ва зўравонлигига қўшган ҳиссаси батафсил келтирилган. Шу билан бирга, генетик омилларнинг РА генезига қўшилиш даражаси ва ҳиссасини баҳолаш бўйича мавжуд тадқиқотлар натижалари ноаниқ эканлиги кўрсатилган. Шу муносабат билан, клиник, лаборатор ва иммун-генетик омиллар иштирокини ҳар томонлама баҳолаш, РА метотрексат билан даволашнинг ривожланиш предикторлари ва самарадорлигининг генетик прогнозларини излашнинг аҳамияти ва зарурлиги аниқ кўрсатиб берилган. Ушбу мураккаб муаммони илмий ҳал қилишда индивидуал ёндашув ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ревматоид артритнинг ривожланишини, оғирлигини аниқлаш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш учун материаллар ва усуллар»** номли иккинчи бобида тадқиқот материаллини ташкил этган беморларнинг клиник хусусиятларини тавсифланган, клиник ва инструментал тадқиқотлар бу ишда фойдаланилган лаборатор ва иммун-

генетик усуллар ҳақида батафсил маълумот берилган. 2018-2021 йилгача Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникасида кузатув ва даволанаётган бўғим шаклидаги (n=147) ва бўғим-висцерал шаклдаги (n=53) РА билан касалланган 200 нафар бемор кўриқдан ўтказилган. Уларга ACR/EULAR (2010) мезонлари бўйича ташхис қўйилган. РА билан оғриган беморларнинг ёши 19 дан 78 ёшгача (ўртача ёши $52,9 \pm 3,6$ йил), бўлиб назорат гуруҳини 109 та шартли соғлом донорлар аутоиммун ва яллиғланиш касалликларисиз, РА билан касалланган беморлар гуруҳига нисбатан ёши ва жинси бўйича ишончли фарқларга эга бўлмаганлар киритилган.

Тадқиқотда клиник, инструментал, лаборатор, иммунологик, молекуляр генетик ва статистик усулдан фойдаланилган.

Клиник тадқиқотлар батафсил шикоятлар, анамнестик маълумотлар ва умумий тиббий кўриқдан иборат. Инструментал тадқиқотлар рўйхатига бўғимларнинг рентгенограммаси, ошқозон-ичак тизимини текширишнинг эндоскопик усуллари, ЭКГ, ички аъзоларнинг ультратовуш текшируви киритилган. Лаборатория тадқиқотлари «Mindray, Хитой» гематологик анализаторида умумий қон таҳлили кўрсаткичларини (гемоглобин концентрацияси, эритроцитлар сони, унинг индекслари, тромбоцитлар, лейкоцитлар ва ЭЧТ), «Mindray, Хитой» иммунофермент анализаторида темир метаболизми кўрсаткичларини (зардобдаги темир, эрувчан трансферрин рецепторлари, умумий темирни боғлаш қобиляти ва ферритин), «HUMAN» (Германия) компаниянинг реагентларидан фойдаланган ҳолда «Mindray, Хитой» биокимёвий анализаторида қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари (умумий оқсил, АЛТ, АСТ, креатинин, қолдиқ азот, мочевино) ва сийдик, иммунологик параметрлар (РО ва ЦПҚА) баҳолашдан иборат эди.

Молекуляр генетик тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган гематология ва трансфузиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент) тиббий генетика лабораториясида ўтказилди ва стандарт ПЗРдан фойдаланган ҳолда цитокин генлари ((IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780), IL23R (11209026)) ва (MTR (rs1805087) фолат цикли, MTRR (rs1801394), MTHFR (rs1801131) ва MTHFR (rs1801133)) вариантларини аниқлаш ва кейинчалик рестриқцион фрагмент узунликлари полиморфизми таҳлили (РФУП) ПЗРда (бирламчи денатурация (1 цикл) 1 дақиқа давомидаги 94°C ҳароратда; 10 сония давомидаги денатурацияни ўз ичига оладиган 35 цикл агарли гелида электрофорез усулида амплификацияланган фрагментларнинг миқдорини ва спецификлигини текшириш; кейин киритилмаган нуклеотидлардан тозалаш ва генетик анализатор 3130 (Applied Biosystems, АҚШ)да капилляр электрофорез ўтказилди.

Генларнинг нуклеотид кетма-кетлиги «Олиго v. 6. 31» (Molecular Biology Insights Inc., АҚШ) ўтказилди ва НПФ «Литех» (Россия)да таҳлил қилинди (1-жадвалга қаранг).

ПЗР учун қўлланиладиган олигонуклеотид праймерлар рўйхати

Генлар	Полиморфизм	Олигопраймерлар структураси
IL17A	rs2275913	F: CAGAAGACCTACATGTTACT R: GTAGCGCTATCGTCTCTCT
IL-17F	rs763780	F: AGCTGGGAATGCAAACAAC R: GTGTAGGAACCTGGGCTGCATCAAT
IL23R	11209026	F: 5'-AGGGGATTGCTGGGCCATAT-3' R: 5' - TGTGCCTGTATGTGTGACCA-3'
MTR	rs1805087	F: TGTTATCAGCATTGACCATTAC R: TGAAGACCTCTGATTTGAACTA
MTRR	rs1801394	F: GCTTGTCTACAGGGTTGCACTTAG R: TACAGTGAAGATCTGCAGAA
MTHFR	rs1801131	F: CAGTCATGAGCCCAGCCACTCACT R: ACTCAGCGAACTCAGCACTCCACC
MTHFR	rs1801133	F: AGGTCTCCCAACTTACCCTTCT R: GCTTGTGGTTGACCTGGGAGGA

Олинган натижаларнинг математик таҳлили «OpenEpi 2009, Version 2.3» дастурлари ёрдамида амалга оширилди.

Тадқиқот гуруҳлари орасидаги генотипларнинг частотасидаги фарқларни баҳолаш учун Фишернинг аниқ тести қўлланилди. Ўрганилаётган гуруҳлардаги генотипик тақсимотларнинг Харди-Вайнберг мувозанатига мувофиқлиги « χ^2 » тести ёрдамида аниқланди. Шу билан бирга, гуруҳлар ўртасидаги фарқлар $p < 0,05$ да муҳим деб ҳисобланган.

Диссертациянинг «Ревматоид артритли беморларнинг клиник-инструментал ва лаборатор хусусиятлари» номли учинчи бобида РА билан оғриган беморларда клиник-инструментал ва лаборатор кўринишларини ўрганиш натижалари келтирилган. РА билан оғриган беморларни умумий клиник тадқиқ қилиш жараёнида биз ёш тоифасига қараб касалликнинг ўзига хос хусусиятларини ўргандик, бу ўрта ёш гуруҳидаги касалликларнинг юқори бўғим фоизини кўрсатди, бу $54,3 \pm 3,5$ ёшни ташкил этди. Касалликнинг р шакли учун йил ва бўғим-висцерал шакли учун $49,3 \pm 2,8$ ёш. Шу билан бирга, касалликнинг ривожланишига мойил бўлган хавф омилларининг частотасини ўрганиш уларнинг ирсият (22,8 ва 26,9%), чекиш (39,6 ва 54,1%), сурункали инфекциялар ўчоқлари (79,8 ва 92,9%) ва тез-тез шамоллаш (59,5% ва 77,3%) РАнинг бўғим ва бўғим-висцерал шакллари билан оғриган беморларда рўйхатга олишнинг энг юқори фоизи касалликнинг бўғим-висцерал шакллари мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда энг кўп учрайдиганини аниқлашга имкон берди.

Касалликнинг шаклига қараб, РА фаоллигини клиник баҳолаш визуал аналог шкаласи бўйича оғриқ даражаси 53,2 мм ва 65,6 мм эканлигини кўрсатди; оғриётган бўғимларнинг сони бўғим-висцерал РА билан оғриган

беморларда 1,6 баробар кўп (20,7 га нисбатан 12,6). Худди шундай ҳолат шишган бўғимлар сони ва эрталабки карахтлиқ билан боғлиқ. Бўғим шаклда уларнинг қийматлари 9,2 ва 65,7 двқиқани ташкил этган бўлса, бўғим-висцерал шаклда улар 1,4 (12,6) ва 1,8 баравар юқори (116,4 дақиқа) бўлди.

Шу билан бирга, ўртача ЭЧТ ва DAS28 қийматлари асосида РА фаоллигини баҳолаш бўғим-висцерал РА билан оғриган беморлар учун энг юқори кўрсаткичларни кўрсатди. Хусусан, агар бўғим шакли бўлган беморларда ушбу кўрсаткичларнинг медианаси 30,2 мм / соат ва 3,4 бўлса, бўғим-висцерал шакл учун улар мос равишда 46,8 мм / соат ва 4,8 ни ташкил қилди.

Бундан ташқари, ЭЧТнинг ўртача даражасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир кичик гуруҳнинг беморлари фаоллик даражасига кўра бўлинди:

- бўғим шаклга эга бўлган беморлар орасида I даражали фаоллик билан оғриган беморларнинг улуши энг кичик ва 4,1% ни ташкил этди, II даражали РА фаоллиги кўпроқ - 71,6%, III даражали фаоллик эса 24,3% беморларни ташкил этди.;

- РА нинг бўғим-висцерал шаклида I фаоллик даражаси камроқ беморларда (3,1%), кўпчилик беморларда II даражали РА фаоллиги (59,4%), III фаоллик даражаси бўлган беморлар (37,5%) фоизда ўсишга мойиллик аниқланди.

Инструментал тадқиқотлар РА нинг рентгенологик босқичларини аниқлашга имкон берди. Бунда беморларнинг иккала кичик гуруҳида ҳам касалликнинг энг катта кучайиб бориши бўлган беморларнинг тарқалиши аниқланди. Масалан, уларнинг атиги 4,1 фоизи рентгенография билан I босқичга мурожаат қилган бўлса, уларнинг сони II босқичда - 58,1%, III босқичда - 31,1% ва IV босқичда - 6,7% ни ташкил этди. Шу билан бирга, худди шундай ҳолат бўғим-висцерал РА билан оғриган беморларда кузатилди, аммо катта бўғимларнинг шикастланиши бўлган беморларнинг сони III ва IV босқичларда қайд этилди (I - 3,1%, II - 40,6%, III - 40,6% ва IV - 15,7%).

Бўғимларнинг функционал етишмовчилигига (БФЕ) қараб, беморлар куйидаги тартибда тақсимланди:

- 2-гуруҳда БФЕ 0 бўлган беморлар 4,1% да, БФЕ I билан 10,8%, БФЕ II билан 79,7% ва БФЕ III билан 5,4% ҳолларда аниқланди;

- 3-гуруҳда БФЕ 0 бўлган беморлар 3,1%, БФЕ I билан - 15,6%, БФЕ II - 75,0% ва БФЕ III билан - 6,3% ҳолларда қайд этилди.

Шундай қилиб, ушбу маълумотлар ўртача ЭЧТ кўрсаткичи, рентген босқичи ва бўғимларнинг функционал етишмовчилиги даражаси билан белгиланадиган энг юқори касаллик фаоллиги мавжуд беморлар кўпроқ фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, РА фаоллигининг юқори даражаси касалликнинг оғирроқ бўғим-висцерал шакли бўлган беморларда қайд этилган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичи лаборатория тадқиқотлари бўлиб, у умумий қон таҳлилининг хусусиятларини, биокимёвий қон параметрлари ҳолатини, РО мавжудлигини, ЦПҚАларни ва Нечипоренко бўйича сийдик таҳлилини ўрганишни ўз ичига олган.

Беморларнинг иккала кичик гуруҳидаги клиник қон текшируви кўрсаткичларини таҳлил қилганда, гемоглобиннинг 112,1 г / л ва 94,5 г / л гача пасайиши (назоратдаги қийматлар 128,3 г/л); эритроцитларнинг ўртача ҳажми (ЭЎХ) 86,1 фл ва 80,91 фл гача (назоратда 88,4 фл); эритроцитларда гемоглобиннинг ўртача миқдори (MCH) 28,63 пг ва 24,96 пг (назоратда 29,01 пг); «ўртача» эритроцитларда гемоглобиннинг ўртача концентрацияси 326,6 пг ва 318 пг гача (назоратда 331,9 пг), шунингдек эритроцитлар гетерогенлик кўрсаткичи (RDW) 12,1 ва 15,6% гача (назоратда 11,9%) РА шакллариға мос равишда енгил даражадаги гипохромли анемия кузатилган. Ушбу кўрсаткичларнинг назорат қийматларидан энг аниқ оғишлари РАнинг бўғим-висцерал шаклида топилган, бу касалликнинг янада оғир кечишини кўрсатади.

Даволашдан олдин РА билан оғриган беморларда темир алмашинуви кўрсаткичларини ўрганиш, унинг бўғим ва бўғим-висцерал шакллари бўлганларда темир танқислиги белгилари аниқланди, бу умумий темирни боғлаш қобилияти (УТБК) даражасининг 68,94 га (77,1 дан ортиқ) мкг/дл ва 74,56 мкг / дл; эрувчан трансферрин рецепторлари 2,13 нг / мл ва 4,63 нг/мл гача ошиши; қон зардобидаги темир даражасининг (10 ёки ундан кам) 22,63 мкмол/л ва 20,21 мкмол/л гача, ферритиннинг (15 нг/мл дан кам) 98,9 нг/мл ва 87,6 нг/мл гача пасайиши, шунингдек, бўғим-висцерал РА билан оғриган беморларда ушбу кўрсаткичлар юқори даражада силжиши билан тасдиқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Ревматоидли артрит касалланган беморларда умумий қон таҳлили ва темир алмашинуви, (M±m)

Кўрсаткичлар	Назорат=109	РА БШ билан беморлар, n=147	РА БВШ билан беморлар n=53
Нв, г/л	128,3±1,8	112,2±0,26	94,5±2,8
Эритроцитлар (1x10 ⁶ /мл)	4,51±0,31	4,29±0,26	4,08±0,24
Эритроцитларнинг ўртача ҳажми (фл)	88,4±3,56	86,1±3.19	80,91±5,73
Эритроцитларда гемоглобиннинг ўртача миқдори (пг)	29,01±0,89	28,63±1,81	24,96±2,01
Эритроцитларда гемоглобиннинг ўртача концентрацияси (пг)	331,86±6,78	326,6±8,24	318,0±11,23
Эритроцитларнинг ҳажми бўйича тақсимланиши (%)	11,9±0,51	12,10±1,07	15,6±0,43*

Эритроцитлар морфологияси	Норма	норма	сезиларли гипохромия
Зардобдаги темор (мкм/л)	24,7±2,01	22,63±1,01	20,21±1,47
УТБҚ (мкм/мл)	66,91±5,05	68,94±4,31	74,56±4,78
Ферритин (нг/мл)	87,6±4,78	98,9±2,07	106,4±1,56*
Трансферриннинг эрувчан рецептори (нг/мл)	1,89±0,12	2,13±0,12	4,63±0,21*

Қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари бўйича назорат қийматларидан оғиш фақат СРОга нисбатан аниқланди, бу РА бўғим (7,46) ва бўғим-висцерал шакллари (9,81) билан оғриган беморларда меъёрдан (5,0) деярли 1,5 ва 2,0 баравар юқори бўлди. Бошқа кўрсаткичлар мос ёзувлар қийматларида бўлсада, РА нинг бўғим-висцерал шаклида умумий протеин миқдорининг пасайиши (назоратда 70,3 г/л га нисбатан 78,8 г/л га), АЛТ даражасининг ошиши (назоратда 22,3 га нисбатан 32,8) ва АСТ (назоратда 21,4 га нисбатан 31,9), карбамид (назоратда 5,8 ммол / л га нисбатан 3,8 ммол / л), креатинин (назоратда 59,7 ммол / л га нисбатан 75,6 ммол / л) ошиши кузатилди.

Бундан ташқари, иккала кичик гуруҳдаги беморларнинг катта фоизида РФ ва ЦПҚАга нисбатан ижобийлик аниқланди. Шундай қилиб, бўғим шаклга эга бўлган беморларда РО 62% ва ЦПҚА 58% да аниқланди, бўғим-висцерал шаклга эга беморларда эса бу кўрсаткичлар мос равишда 74% ва 72% ни ташкил этди.

Шундай қилиб, текширилган РА беморлари орасида лаборатор тадқиқотлари натижаларини баҳолаш энгил ТТА, СРО кўпайиши, шунингдек, РО ва ЦПҚА учун ижобий беморларнинг мавжудлигини аниқлашга имкон берди. Шу билан бирга, патологик ўзгаришларнинг медианасининг оғирлиги касалликнинг шаклида, уларнинг РА бўғим-висцерал шаклида устунлиги билан фарқланади. Ушбу кўрсаткичларнинг бузилиши даражасидаги фарқлар уларни РА нинг оғир кечишининг прогнозини аниқлайдиган лаборатор мезонлари сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Диссертациянинг тўртинчи бобида “Ревматоид артрит билан оғриган беморларда **IL17A (rs2275913)**, **IL-17F (rs763780)** ва **IL23R (11209026)** генлари полиморфизмларининг хусусиятлари ва уларнинг артрит ривожланиш эҳтимоли иштирокидаги таҳлили”да IL17A (rs2275913), IL-17F (rs763780) ва IL23R (11209026) цитокин генлари вариантларининг тарқалиш хусусиятларини ҳам РА беморларида, ҳам назорат гуруҳида баҳолаш кўрсатилган. Бундай ҳолда, кузатилган (Hobs) ва кутилган (Hexp) генотипик сонларнинг тақсимланиши Харди-Вайнберг мувозанатига ($p > 0.05$) мувофиқ бўлиб чиқди.

Беморларнинг умумий гуруҳида (n=106) ревматоид артритли беморларда IL17A (rs2275913) полиморфизмини ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, нохуш А аллелининг пайдо бўлиш нисбати назорат гуруҳидаги ушбу кўрсаткичдан бироз юқори (11,5% га нисбатан 18,4%) бўлди. 1А кичик гуруҳидаги беморларда (бўғим шакли, n=74) 20,4% ни ташкил этган ҳолда, 1В кичик гуруҳида (бўғим-виссерал шакл, n=32) бу кўрсаткич 14,1% ни ташкил этди, ва бу аллел А нинг катта улуши туфайли кузатилди. Шу билан бирга, G/G генотипига нисбатан ташиш улуши 67,0% бўлган ҳолларда, 78,9% назорат гуруҳида аниқланди. Шу билан бирга, гетерозигот G/G генотипининг сони, агар умумий гуруҳдаги беморларда 29,2% бўлса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич бироз камроқ (19,3%) бўлди. А аллелида бўлгани каби, беморларнинг 1А (мос равишда 32,4% ва 4,1%) ва 1В (мос равишда 21,9% ва назорат гуруҳида (мос равишда 19,3% ва 1,8%) беморларга қараганда тез-тез қайд этилди. Ушбу маълумотлар ўрганилаётган полиморфизмнинг функционал ноқулай генотиплари G/A ва A/A нинг ушбу патологиянинг ривожланиш хавфининг ортиши мумкинлигини кўрсатади (3-жадвал).

3-жадвал

IL17A (rs2275913) гени генотиплари ва аллеллари тақсимланиши

Гуруҳ	n	Аллеллар сони				Генотиплар тақсимланиши сони					
		G		A		G/G		G/A		A/A	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
РА беморлари умумий гуруҳи	106	173	81.6	39	18.4	71	67.0	31	29.2	4	3.8
1А кичик гуруҳ	74	118	79.7	30	20.3	47	63.5	24	32.4	3	4.1
1В кичик гуруҳ	32	55	85.9	9	14.1	24	75.0	7	21.9	1	3.1
Назорат гуруҳ	109	193	88.5	25	11.5	86	78.9	21	19.3	2	1.8

IL17A (rs2275913) генининг полиморфизмини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларимизда нохуш аллел А ни ташиш нисбати (20.3% га нисбатан 11.5%; $\chi^2=5.349$; $p=0.021$; OR=1.963; 95%CI: 1.108-3.477) ва гетерозигота G/A генотипи (32.4% га нисбатан 19.3%; $\chi^2=4.121$; $p=0.045$; OR=2.011; 95%CI: 1.024-3.948) РА бўғим шакли IL17A (rs2275913) генининг полиморфизми соғлом одамларга қараганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада юқори эди. Олинган маълумотлар IL17A (rs2275913) генининг РА ривожланиш механизмларига мумкин бўлган ҳиссасини кўрсатиши мумкин.

Ушбу далиллар билан бир қаторда, А / А генотипига нисбатан ўрнатилган фарқлар РА нинг бўғим-висцерал шаклини ривожланиш хавфининг 1,7 баравар ортишига мойилликни кўрсатиши мумкин (3,1% га нисбатан 1,8%; $\chi^2<3,84$; $p=0,667$; OR=1,726; 95%CI: 0.0.156-19.11). 1В кичик гуруҳидаги беморлар орасида нохуш генотип G/A ва A/A билан касалланиш даражасида сезиларли фарқнинг йўқлиги, эҳтимол, беморларнинг нисбатан кичик намунаси (n=32) билан боғлиқ.

IL17A (rs2275913) полиморфизми ва ревматоид артрит ривожланиш хавфи ўртасидаги муносабатларни назорат гуруҳи билан солиштирганда баҳолаш

Текширув гуруҳлари	Алеллар ва генотиплар	Назорат гуруҳи билан таққослаганда статистик фарқи					
		RR	95% CI:	OR	95% CI:	χ^2	p (ишончлик)
РА билан беморлар бирлашган гуруҳи (n=106)	G	0.922	0.594 – 1.43	0.575	0.336-0.984	4.072	0.046*
	A*	1.085	0.578-2.035	1.740	1.016-2.98		
	G/G	0.849	0.5 -1.443	0.543	0.296-0.997	3,875	0,049*
	G/A	1.518	0.879-2.621	1.732	0.922-3.252	2,919	0.091
	A/A	2.057	0.657-6.443	2.098	0.39-11.287	0.745	0.406
1А кичик гуруҳ, РА бўғим шакли 1А (n=74)	G	0.901	0.52-1.56	0.509	0.287-0.902	4.89	0.027*
	A*	1.110	0.614-2.007	1.963	1.108-3.477		
	G/G*	0.805	0.41-1.58	0.466	0.243-0.895	5.254	0.023*
	G/A*	1.683	0.845-3.353	2,011	1.024-3.948	4.121	0.045*
	A/A	2.209	0.52-9.383	2.261	0.386-13.26	0.817	0.383
1В кичик гуруҳ, РА бўғим-висцерал шакли (n=32)	G	0.971	0.296-3.189	0.792	0.35-1.79	0.314	0.592
	A	1.030	0.679-1.562	1.263	0.558-2.858		
	G/G	0.951	0.244-3,704	0.802	0.318-2.021	0.219	0.654
	G/A	1.135	0.272-4.735	1.173	0.449-3.065	0.106	0.750
	A/A	1.703	0.07-41.548	1.726	0.156-19.105	0.198	0.667

Шундай қилиб, тадқиқот натижалари IL17A (rs2275913) генининг полиморф вариантнинг ноқулай аллел А ва гетерозигота варианты G/A ассоциацияси мавжудлигини кўрсатади, бу билан РА нинг бўғим шакли ривожланади. Ўзбекистон, эҳтимол бу полиморф ген вариантнинг G/A гетерозигота варианты ташувчиларда G/G генотипининг ҳимоя таъсирини йўқотиши билан боғлиқ бўлиб, бунинг натижасида бўғимларнинг шикастланишига олиб келадиган жараёнлар ривожланиши мумкин.

Аллел частоталарининг тақсимланишини таҳлил қилиш умумий гуруҳдаги РА билан оғриган беморлар орасида G аллелини ташувчиларнинг улушини назорат гуруҳларига нисбатан кўпроқ қайд этишини кўрсатди (10,8% га нисбатан 6,0%). Ушбу кўрсаткичнинг частотасининг ошиши беморларнинг иккала кичик гуруҳида уларнинг улуши ортиши туфайли кузатилди, улар «1А» кичик гуруҳида бўғим РА билан оғриган беморларда 9,5% ва «1В» кичик гуруҳида бўғим-висцерал РА билан оғриган беморлар - 14,1% (5-жадвал) га етди.

**Ўрганилаётган гуруҳларда IL 17F (rs763780) ген
полиморфизмининг аллел ва генотипик частоталарини тақсимланиш
таҳлили**

Гуруҳ	n	Аллеллар сони				Генотиплар тақсимланиш сони					
		A		G		A /A		A/G		G /G	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1-РА билан беморлар бирлашган гуруҳи	106	189	89.2	23	10.8	84	79.3	21	19.8	1	0.9
«1А» кичик гуруҳ	74	134	90.5	14	9.5	60	81.1	14	18.9	0	0.0
«1В» кичик гуруҳ	32	55	85.9	9	14.1	24	75.0	7	21.9	1	3.1
2-назорат гуруҳи	109	205	94.0	13	6.0	96	88.1	13	11.9	0	0.0

Агар РА билан оғриган беморларнинг 1-бирлашган гуруҳида ва касалликнинг бўғим шакли бўлган беморларнинг «1А» кичик гуруҳида IL-17F (rs763780) генининг полиморф вариантнинг аллел Гни ташиш улушининг ортиши бўлса, РА ривожланиш хавфини деярли икки баравар ($\chi^2=3.344$; $P=0.07$; $OR=1.919$; $95\%CI:0.954-3.859$) ва 1.65 марта ($\chi^2=1.57$; $P=0.211$; $OR=1.65$; $95\%CI:0.756-3.594$), кейин РА нинг бўғим-висцерал шакли бўлган беморларнинг «1В» кичик гуруҳида касалликнинг ривожланиш хавфи статистик жиҳатдан сезиларли даражада 2,58 марта ошди ($\chi^2=4.512$; $P=0.037$; $OR=2.58$; $95\%CI:1.076-6.188$) (2-жадвал).

IL-17F (rs763780) генининг полиморфик вариантнинг A/A генотипини ташиш улуши барча гуруҳларда бир оз фарқларга эга эди: РА билан касалланган беморларнинг бирлашган гуруҳида у 79,3%, «1А» ва «1В» кичик гуруҳларида 79,3% ни ташкил этди, мос равишда 81,1% ва 75,0%, назорат гуруҳида - 88,1%. Шу билан бирга, A/G гетерозигот генотипининг частотаси беморлар гуруҳларида (РА бирлашган гуруҳ - 19,8%; «1А» кичик гуруҳи - 18,9%, «1В» - 21,9%) назорат гуруҳи билан солиштирганда аниқ фарқ бор эди (11,9%).

Бундан ташқари, мутант G/G генотипи фақат касалликнинг артикуляр-виссерал шакли («1В» кичик гуруҳи) бўлган беморларда қайд этилганлигини таъкидлаш керак, уларнинг ташиш даражаси 3,1% ни ташкил этди.

Беморларда ёввойи A / A генотипининг частотасининг пасайиши назорат билан солиштирганда статистик жиҳатдан фарқ қилмади (РА билан касалланган беморларнинг бирлашган гуруҳида - $\chi^2=3.073$; $P=0.084$; $OR=0.517$; $95\% CI: 0.247-1.081$; «1А» кичик гуруҳда - $\chi^2=1.713$; $P=0.193$; $OR=0.58$; $95\% CI: 0.257-1.311$ ва «1В» кичик гуруҳда - $\chi^2=3.336$; $P=0.072$; $OR=0.406$; $95\% CI: 0.154-1.068$).

Шу билан бирга, РА билан оғриган беморлар гуруҳларида А/Г гетерозигот генотипини ташиш нисбатидаги фарқлар назорат билан солиштирганда сезиларлироқ бўлиб чиқди. Шундай қилиб, агар РА беморларининг 1-бирлашган гуруҳида бу генотип 1,8 баравар кўпайган бўлса ($\chi^2=2.509$; $P=0.119$; $OR=1.824$; 95% CI: 0.867-3.837); «1А» кичик гуруҳида эса 1,72 марта ($\chi^2=1.713$; $P=0.193$; $OR=1.723$; 95% CI: 0.763-3.892) ва «1В» кичик гуруҳида икки мартадан ортиқ ($\chi^2=2.011$; $P=0.165$; $OR=2.068$; 95% CI: 0.758-5.645). Олинган фарқлар А/Г генотипи ташувчиларда РА ҳосил бўлиш хавфининг ошишига аниқ мойиллик мавжудлигини кўрсатди. Эҳтимол, ўрганилаётган танланманинг кенгрок қамрови билан фарқлар ишончли муҳим хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, биз G аллелини ва А/Г генотипини РА беморлари ўртасида тақсимлаш сони назорат билан солиштирганда биз аниқлаган фарқлар касалликнинг, айниқса бўғим-висцерал шаклнинг ривожланиш хавфини оширишда уларнинг ролини аниқлашга имкон беради.

Соғлом шахслар (n= 109) гуруҳида IL23R (11209026) ген вариантынинг тарқалишини таҳлил қилиш G ва А аллеллари текширилганларнинг 92,2% ва 7,8% да аниқланди. Шу билан бирга, G/G ва G/A генотипларининг мавжудлиги 84,4% ва 15,6% да топилган. Ушбу гуруҳда мутант генотип А/А ни ташиш ҳолатлари аниқланмаган. РА билан оғриган беморларнинг умумий гуруҳида G аллелининг ташилиши биров камроқ (85,9%) қайд этилган ва А аллелининг улуши, аксинча, соғлом одамларда (14,1%) ўз частотасидан ошиб кетган. Шунга кўра, беморлар гуруҳида G/G ёввойи генотипининг частотаси (74,5%) биров камроқ, гетерозиготали генотипнинг частотаси эса 22,7% ҳолларда аниқланган. Бундан ташқари, РА беморлари гуруҳида мутант генотип А / А ни ташиш 2,8% ҳолларда топилган (6-жадвал).

6-жадвал

РА билан оғриган беморлар ва соғлом одамлар ўртасида IL23R (11209026) ген рецепторлари полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг частота тақсимотини таҳлил қилиш

Гуруҳ	Аллеллар сони				Генотиплар тақсимланиш сони					
	G		A		G /G		G /A		A /A	
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1- РА бирлашган гуруҳ (n = 106)	182	85.9	30	14.1	79	74.5	24	22.7	3	2.8
1А кичик гуруҳ РА бўғим шакли (n = 74)	125	84.5	23	15.5	53	71.6	19	25.7	2	2.7
1В кичик гуруҳ – РА бўғим-висцерал шакли (n = 32)	57	89.1	7	10.9	26	81.3	5	15.6	1	3.1
Назорат гуруҳ (n = 109)	201	92.2	17	7.8	92	84.4	17	15.6	0	0.0

РА нинг клиник шаклини ҳисобга олган ҳолда IL23R (11209026) ген рецепторлари полиморфизмининг аллеллари ва генотипларини ташиш таҳлили куйидагиларни кўрсатди:

